

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ХОЖИЕВ ХУСНИДДИН ШОДМОНОВИЧ

**АЛКОГОЛДАН ЎТКИР ЗАҲАРЛАНИШЛАРДА
ПОСТИНТОКСИКАЦИОН АСОРАТЛАРНИНГ ТАШХИСИ,
ИНТЕНСИВ ДАВОСИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.39 – Токсикология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy
(PhD)**

Хожиев Хусниддин Шодмонович

Алкоголдан ўткир заҳарланишларда постинтоксикацион асоратларнинг таъхиси, интенсив давоси ва олдини олишни такомиллаштириш..... 3

Хожиев Хусниддин Шодмонович

Совершенствование диагностики, интенсивной терапии и профилактики постинтоксикационных осложнений при острых отравлениях алкоголем..... 25

Hojiyev Husniddin Shodmonovich

Improvement of the diagnostics, intensive therapy and prevention of post-intoxication complications in acute alcohol poisoning..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ХОЖИЕВ ХУСНИДДИН ШОДМОНОВИЧ

**АЛКОГОЛДАН ЎТКИР ЗАҲАРЛАНИШЛАРДА
ПОСТИНТОКСИКАЦИОН АСОРАТЛАРНИНГ ТАШХИСИ,
ИНТЕНСИВ ДАВОСИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.39 – Токсикология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Tib805 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.emerge-centre.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ақалаев Рустам Нурмухамедович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шилов Виктор Васильевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Искандаров Алишер Искандарович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«Реаниматология ва реабилитология федерал илмий-клиник маркази», Москва, Россия Федерацияси

Диссертация ҳимояси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100081 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100081, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э. Анваров

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.К. Алтиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг махсус токсикологик марказлари маълумотларига кўра, «...беморларнинг этил спирти маҳсулотларидан заҳарланиши 2001-2018 йилларда умумий экзоген заҳарланишли беморлар кесимида ўртача 39,8 дан 54,9% гачани ташкил қилди. Бундай патология ўлимлар сони бўйича ҳам барча экзоген ўткир заҳарланишлар ўлим структурасида биринчи ўринни эгаллаб, 35-57% кўрсаткичларгача сақланмоқда...»¹. Хорижий токсикология марказлари иш фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, алкоғолдан ўткир заҳарланиш билан мурожаатларнинг 65-80% алкоғолдан сурункали интоксикация фонида ривожланган. Ушбу ҳолат интоксикациянинг патогенетик механизми бўйича тубдан фарқ қилади ҳамда ташхис ва даво тактикасини такомиллаштиришни талаб қилади. Маълумки, постинтоксикацион даврда қондаги этанол концентрациясининг пасайиб боргани сари оғир абстинент синдроми ва алкоғолли делирийга сабаб бўлувчи этанол симпатотроп таъсирининг доминантлиги юзага чиқади. Этанолнинг оксидланиши ва унинг ацетальдегид, ацетат, кетон таначалари каби метаболитларининг марказий асаб тизимига ҳамда жигарга таъсири натижасида метаболит ва гипоксик издан чиқувчи жараёнлар бирмунча жиддий тус олади. Бундай ҳолатлар кўп ҳолларда беморларнинг ўлимига сабаб бўлади, шу сабабли делирий ва унинг ривожланишини олдини олиш эрта прогностик мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

Жаҳонда янги диагностика усуллари ишлаб чиқиш, асоратларни прогноз қилиш ва дастлабки босқичда даволаш тактикасини такомиллаштириш ва шу.орқали алкоғолдан оғир заҳарланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш шароитида тиббий ёрдам сифатини ошириш устувор вазибалардан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда, хусусан, сирка кислотасидан заҳарланиш диагностикаси ва интенсив терапиясида ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, алкоғол билан заҳарланган беморларга ихтисослаштирилган токсикологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун диагностика ва кечки асоратларнинг олдини олишнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш учун далилларга асосланган натижалар зарур.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий

¹Мировая статистика здравоохранения 2018: мониторинг здоровья для целей устойчивого развития. Доклад ВОЗ. 2019. С. 61-63, 65-66

ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар кўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан ўткир захарланиш билан касалланган беморларни даволаш натижаларини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустақамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқотлари республика VI “Тиббиёт ва фармакология” фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишига мувофиқ олиб борилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, постинтоксикацион даврда этанол концентрацияси пасайганлиги сабабли этанолнинг симпатотроп таъсири устун кела бошлайди, бу эса оғир абстиненция синдроми ва алкоғолли делирийнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Бундай ҳолат кўпинча беморнинг ўлимига олиб келади, шунинг учун делирий ривожланиши учун эрта прогностик мезонларни ва унинг ривожланишини олдини олиш механизмларини ишлаб чиқиш керак. Майзадалик билан кечган алкоғолдан ўткир захарланиш натижасида алкоғолли делирий ривожланган беморларнинг касаллик тарихларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, барча беморларда қонда аммиак миқдори юқори бўлган. Шунингдек, алкоғолдан оғир даража захарланган беморларда қонда лактат миқдори ошган, бу эса жараёнга тўқималарнинг гипоксияси ва метаболик ацидоз қўшилганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда, юқорида кўрсатилган метаболитлар миқдори ва алкоғолли энцефалопатиянинг оғирлиги нисбати мезонлари ҳали ишлаб чиқилмаган. Алкоғолли делирий ривожланишининг оғирлиги ва прогностини эрта ташхислаш учун мавжуд клиник ҳамда инструментал тадқиқот усулларини киритиш керак. Психиканинг яширин касалликларини скрининг қилишнинг асосий усули сифатида биз токсико-гипоксик энцефалопатия дигностикасида фойдаланиладиган нейрофизиологик – MMSE шкаласини таклиф қилишимиз мумкин. Ушбу услуб нейрофизиологик тадқиқотларнинг асосий

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

талабларига жавоб беради: ҳар қандай интеллект даражасига эга беморлар учун қўллаш имконияти мавжудлиги, тақдирот қулайлиги, максимал маълумотга эгаллиги. Сўнги вақтларда тадқиқотчилар эътиборини захарланиш билан оғриган беморларда вегетатив асаб тизими (ВАС) ҳолатини баҳолашнинг функционал усуллари жалб қилмоқда. ВАС организмнинг ташқи омиллар, шу жумладан токсик моддалар таъсирига қарши ҳимоя ва адаптив реакцияларини шакллантиришда аҳамиятга эга. Р.М.Баевский (1984, 1996) ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида кардиоинтервалография (КИГ) ёрдамида унинг структурасини кейинги математик таҳлил қилиш билан юрак ритминини қайд этиш усули ёрдамида етарли даражада ВАС баҳолаш мумкинлиги исботланган. КИГ сирка кислотаси ва ис гази билан ўткир захарланишлар комплекс диагностикасида муваффақиятли қўлланилади. Бироқ, алкогольдан ўткир захарланишларнинг дастлабки босқичида улардан фойдаланиш алгоритми ҳали ишлаб чиқилмаган.

Адабиётлар ва токсикология бўлимларининг иши таҳлиллари маълумотлари шуни кўрсатдики, ушбу нозология учун захарланиш оғирлик даражаси бўйича интенсив терапия тактикасига ягона ва қиёсий ёндашув йўқлиги аниқланди. Бугунги кунгача ишлаб чиқилган таснифлар фақат қондаги этанол ва ҳушнинг қоронғилашиш даражасига асосланган бўлиб, бу этанол маҳсулотларини сурункали суистеъмом қилган беморлар учун етарли маълумотга эга эмас. Ушбу ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати шифокорнинг малакаси ва тажрибасига боғлиқлигига олиб келади. Шу муносабат билан, алкогольни сурункали истеъмом қилиш фонида алкогольдан захарланиш ҳолати оғирлигини баҳолашнинг аниқ ва ягона методологияси асосида даволаш чора-тадбирларининг ягона алгоритминини яратиш зарурати мавжуд.

Шундай қилиб, алкогольли интоксикация диагностикаси ва интенсив давосининг юқоридаги ҳал қилинмаган муаммолари диагностика ва даволаш тактикасининг янада такомиллаштиришни талаб қилади, бу эса ушбу тадқиқотни амалга ошириш учун сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ АДСС-15.4.5 «Алкоголдан ўткир захарланишлар диагностикаси, интенсив давоси ва асоратларининг олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2015-2017 йй) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: алкогольдан захарланган беморларга эрта ташхис қўйиш ва интенсив давони такомиллаштириш йўли билан постинтоксикацион асоратлар ва ўлим сонинини камайтириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

алкоголдан ўткир захарланишларга сабаб бўлувчи омиллар ва ўлимга олиб келувчи асоратларни баҳолаш, турли хил оғирликдаги алкогольдан ўткир

заҳарланган беморларда анъанавий даволаш усуллари ретроспектив таҳлилни ўтказиш;

алкоголдан сурункали интоксикация фонида юзага келган алкоголдан ўткир заҳарланишларда жигар токсик зарарланишининг белгиси сифатида эркин аммиакнинг аҳамиятини ўрганиш;

алкоголдан сурункали интоксикация фонида алкоголдан турли хил оғирликдаги ўткир заҳарланган беморларда вегетатив асаб тизими ва когнитив функцияларининг кўрсаткичларини баҳолаш;

эркин аммиак, қондаги лактат миқдори, вегетатив ҳолат кўрсаткичлари ҳамда когнитив функцияларининг таҳлилни ҳисобга олган ҳолда алкоголдан ўткир заҳарланган беморларнинг эрта босқичида аҳволи оғирлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

алкоголдан сурункали интоксикация фонида алкоголдан оғир даражадаги ўткир заҳарланиш натижасида марказий асаб тизими фаолиятининг издан чиқишларини комплекс даволашда замонавий гепатопротекторларни қўллаш самардорлигини баҳолаш;

алкоголдан сурункали интоксикация фонида ҳар хил оғирликдаги алкоголдан заҳарланишлар билан шифохонага келтирилган беморларда бирламчи даволаш-диагностика чора-тадбирларини танлаш бўйича қарор қабул қилишда такомиллаштирилган диагностика ва интенсив даво алгоритмлари асосида шифокорни қўллаб-қувватловчи компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2015-2018 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига турли хил оғирлик даражасидаги алкоголдан ўткир заҳарланиб ётқизилган 363 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ишлаб чиқилган диагностика усуллари, шунингдек субстрат антигипоксантилар ва гепатопротекторлар ёрдамида интенсив терапия тактикаси самардорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишларни бажариш жараёнида умумий клиник, биокимёвий, инструментал, нейрофизиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алкоголдан сурункали интоксикация фонида юзага келган алкогол билан ўткир заҳарланишларнинг токсикоген босқичида вегетатив регуляция ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

алкоголдан сурункали интоксикация фонида юзага келган алкогол билан ўткир заҳарланишларда марказий ва вегетатив асаб тизимларидаги ўзгаришлар батафсил мақсадли ўрганилган ва унинг асосида ушбу ўзгаришларнинг беморнинг аҳволи оғирлигига, қондаги алкогол миқдорига, шунингдек алкоголдан сурункали интоксикация давомийлигига боғлиқлиги аниқланган;

алкоголдан сурункали интоксикация фонида алкоголдан ўткир заҳарланган беморларда токсик энцефалопатия ривожланишида эркин аммиак ва лактатнинг аҳамияти асосланган;

алкоголдан ўткир заҳарланиш билан оғриган беморларда токсик энцефалопатиянинг комплекс интенсив терапиясида субстрат метаболлик препаратлари (сукцинасол, цитофлавин), ремаксол ва жетепар гепатопротекторини эрта қўллашни кўзда тутувчи таклиф қилинаётган ёндашувнинг юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

алкоголдан ўткир заҳарланган беморларда токсик энцефалопатиянинг ривожланишини клинко-лаборатор, инструментал ва скрининг тадқиқот усуллари асосида беморларнинг оғирлигини баҳолаш тизими ишлаб чиқилган, бунинг асосида даволаш йўналишини аниқлаш, терапиянинг турли ёндашувлари самарадорлигини таққослаш, моддий харажатларни рационализация қилиш асосланган;

алкоголдан сурункали интоксикация фонида алкоголдан оғир даражада заҳарланган беморларда антигипоксантиларни, гепатотроп препаратларини комплекс қўллаш усули ва алгоритмлари ишлаб чиқилган, даволаш кўрсаткичларини яхшиланганини исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, тиббий-биологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, алкоголдан сурункали интоксикация фонида юзага келган алкоголдан заҳарланишлар ташхиси, интенсив давоси ва профилактикаси учун тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти алкоголдан сурункали интоксикация фонида алкоголдан заҳарланган беморлар учун олинган хулосалар ва таклифлар ташхислаш ва даволашда катта ҳисса қўшадиган ўзига хос назарий аҳамиятга эга. Ишнинг баъзи бир натижалари алкоголдан заҳарланган беморларни диагностикаси ва интенсив терапияси бўйича клиник ординаторлар, курсантлар учун ўқув дастурларининг мазмуни ва тузилишини яхшилаш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти алкоголдан сурункали интоксикация фонида ривожланган алкоголдан заҳарланган беморларда асоратларни прогноз қилишнинг ишлаб чиқилган усуллари, метаболлик препаратларнинг субстратларидан фойдаланиш алгоритми ва қарорларни қабул қилиш учун компьютер дастури ўлим кўрсаткичини камайтириш, шунингдек постинтоксикацион асоратлар частотасини ҳамда алкоголдан оғир даражада заҳарланган беморлар учун сарф-харажатларни сезиларли қисқартириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алкоголдан захарланган беморларни даволаш сифатини ошириш бўйича бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Алкоголдан ўткир захарланишлар учун рационал метаболик терапия” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 16 августдаги 8н-р/112–сон маълумотномаси); Ушбу услубий тавсиянома бир қатор клиник ва лаборатория параметрларини тўлдирганда захарланишнинг оғирлиги бўйича дастлабки ташхисни, асоратларнинг прогнозини ва диагностик ҳамда интенсив терапияни тизимли амалга ошириш имконини берган;

алкоголдан ўткир захарланган беморлар учун ишлаб чиқилган рационал метаболик терапия даволаш усуллари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, РШТЎИМнинг токсикология ва токсикологик реанимация бўлимлари, шунингдек, РШТЎИМнинг Фарғона ва Бухоро филиаллари токсикология бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 8н-д/50-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши алкоголдан сурункали интоксикация фонида алкоголдан ўткир захарланиш кузатилган беморларда алкоголли делирий 48 фоиздан 20 фоизгача камайиши, тутқаноқ ҳолатлари 52 фоиздан 31,6 фоизгача камайиши, ўлим даражасининг 2,5 мартагача камайиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7 халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, натижа, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Алкоголдан ўткир заҳарланиш муаммосининг ҳозирги ҳолати, этиологияси, патогенези, ташхислаш ва даволаш» деб номланувчи биринчи бобида алкогольдан заҳарланишнинг тарқалиши ва ривожланиш патогенези, сурункали алкогольдан заҳарланишлардаги метаболик бузилишлар хусусиятлари, заҳарланиш оғирлигини баҳолашнинг диагностик мезонлари, алкоголь билан заҳарланишда тасниф ва даволаш тактикаси бўйича адабиёт манбалари таҳлил қилинган; қўшимча тадқиқотлар ўтказишни талаб этадиган мунозарали саволлар келтирилган.

«Материалнинг клиник хусусиятлари ва фойдаланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобда текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ҳақида маълумотлар, шунингдек қўлланилган тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотга 2012 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг токсикология бўлимида алкогольдан ўткир заҳарланиш билан 15517 нафар бемор госпитализация қилинган. Шундан 12556 (80,9%) нафар бемор сурункали алкоголь интоксикацияси фонида алкогольдан ўткир заҳарланганларни ташкил этган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичи бўлиб 2016-2017 й.да заҳарланишнинг эрта диагностик мезонларини ишлаб чиқишга бағишланган 363 нафар бемор киритилган.

Бу босқичда стационарга келиб тушаётган беморлар Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йилдаги клиник тавсияларига мувофиқ равишда икки гуруҳга бўлинган:

I гуруҳ сурункали алкоголь интоксикацияси фонида алкогольдан ўткир заҳарланган 313 нафар бемордан иборат. Бу беморларни оғирлик даражаси бўйича биз қуйидагича бўлганмиз: 1.1-оғир даражали заҳарланган 14 нафар бемор; 1.2-ўртача даражали заҳарланган 66 нафар бемор; 1.3-енгил даражали заҳарланган 233 нафар беморларга ажратилган.

II гуруҳ (солиштириш учун) – алкогольни бир марта кўп миқдорда истеъмол қилиш фонида ўткир заҳарланган 50 нафар бемордан иборат. Бу беморларни ҳам оғирлик даражаси бўйича биз қуйидагича бўлганмиз: 2.1 – оғир даражали заҳарланган 20 нафар бемор; 2.2 – ўртача даражали заҳарланган 18 нафар бемор; 2.3 – енгил даражали заҳарланган 12 нафар бемордан иборат.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи алкогольдан заҳарланганларнинг жадал даволаш усуллари тақомиллаштиришга бағишланган бўлиб, алкоголь маҳсулотларини сурункали кўп миқдорда истеъмол қилиш фонида алкогольдан ўткир заҳарланган 313 нафар бемор кирган.

Бу босқичда беморлар тўрт гуруҳга бўлинган:

I гуруҳ – комплекс даволаш таркибида сукцинатсақловчи препаратлар қўшилган 105 нафар беморлардан иборат. Бу гуруҳни биз ўз навбатида учта кичик гуруҳларга бўлганмиз:

1.1 – комплекс даволаш таркибига Республикамизда ишлаб чиқарилган сукциносол препарати қўшилган 40 нафар бемор;

1.2 – комплекс даволаш таркибига цитофлавин препарати қўшилган 35 нафар бемор;

1.3 – комплекс даволаш таркибига ремаксол препарати киритилган 30 нафар бемор;

II гуруҳ – комплекс даволаш таркибига аммиакбоғловчи джетепар препарати қўшилган 33 нафар бемор ташкил этган.

III гуруҳ – комплекс даволаш таркибига комбинацион кўринишда сукцинатсақловчи гепатопротектор ремаксол ва аммиакбоғловчи препарат джетепар қўшилган 29 нафар бемор киритилган.

IV гуруҳ – (солиштириш гуруҳи) анъанавий даволаш ўтказилган 147 нафар бемор киритилган.

1-жадвалда беморларнинг ёши бўйича таркиби кўрсатилган.

1-жадвал

Беморларнинг ёши бўйича таркиби

Ёши, йил	Беморлар								Жами	
	I гуруҳ		II гуруҳ		III гуруҳ		IV гуруҳ		абс.	%
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%		
18–29	4	3,8	3	9	3	10,3	11	7,5	21	6,7
30–39	24	22,8	7	21,3	3	10,3	28	19,0	62	19,7
40–49	51	48,5	15	45,4	17	58,7	78	53,0	161	51,3
50–55	26	24,9	8	24,3	6	20,7	30	20,5	70	22,3
Жами	105	100	33	100	29	100	147	100	313	100

Жадвал маълумотларига қараганда беморларнинг аксариятини 40-49 (51,3%) ёшдагилар ташкил этади.

Беморларнинг 321 (88,7%) нафари эркаклар ва 42 (11,3%) нафари аёллар бўлган. Эркаклар ва аёллар ўзаро нисбати 7,6: 1 ($p < 0,05$).

Алкоголдан захарланган барча беморларнинг касаллик анамнези ўрганилган, уларнинг клиник аҳволи даволаш муассасасига келиб тушганда ва динамикада баҳоланган. Шунингдек, умумклиник лаборатор таҳлиллар: қон ва сийдик умумий таҳлили, қон биокимёвий таҳлили (мочевина, креатинин, АЛТ, АСТ) натижалари ўрганилган. Қонда алкоголь миқдори Карандаев бўйича аниқланган. Қондаги эркин аммиак ва лактат бемор касалхонага келганида ва динамикада ўрганилган. Вегетатив асаб тизими фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги текширувлар ўтказилган: Кердо вегетатив индекси (ВИ), юрак ритмини Р.М. Баевский (1986) бўйича таҳлил қилиш, яъни Мо (мода), АМо (мода амплитудаси), ΔХ, ЗИ (зўриқиш индекси) бемор касалхонага келганида ва даволанишнинг 5-суткасида.

Шунингдек, мнестико-интеллектуал (когнитив) бузилишлар турли компонентларининг оғирлик даражасини аниқлаш учун текширувнинг психофизиологик усуллари ва психометрик шкаллари қўлланилган: бемор ҳушини сифат жиҳатидан ўзгаришини MMSE шкаласи бўйича балларда 10 та

позицияда даволанишнинг 3- ва 5-суткаларда, Рейтан тести бемор касалхонага келганида, 3- ва 5-суткаларида, интеллектуал фикрлаш доираси издан чиқиш даражаси ва унинг тикланиш динамикаси (концептуализация), FAV шкаласи бўйича бемор касалхонага келганида, 3- ва 5-суткаларда баҳоланган.

Даволаш натижалари клиник-лаборатор ва инструментал текширувлар динамикаси бўйича баҳоланган.

Тадқиқотнинг натижаларининг статистик ишлови Microsoft Office Excel дастури ёрдамида танловнинг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаш ва ўртача арифметик хатони лаҳзалар усулида ($M \pm m$) аниқлаш билан амалга оширилган. Олинган маълумотлар меъёрий тақсимланиш қонунларига бўйсунганлиги туфайли Стьюдент (t) фарқлар аниқлиги критерийси ва аниқлик даражаси (p) ҳисобланган.

Учинчи боб «Алкоголдан ўткир заҳарланган беморлар аҳволи оғирлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш» деб номланиб, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йилдаги «Токсическое действие алкоголя» клиник тавсияномалари асосида ўтказилган беморлар аҳволининг оғирлиги бўйича базавий тақсимлаш усуллари ёритилган бўлиб, шу тавсиянома асосида беморлар аҳволи оғирлиги бўйича клиник хусусиятлари келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда лаборатор ва инструментал ташхислаш усуллари билан аниқланган қондаги эркин аммиак, қоннинг бошқа биокимёвий кўрсаткичлари, вегетатив асаб тизими ва психометрик тестлар асосида беморларни аҳволи оғирлиги бўйича тақсимлашдаги хусусиятлар келтирилган.

Алкоголдан заҳарланган беморларни аҳволи оғирлиги бўйича тақсимлашнинг балли тизими кўрсатилган. Алкоголни суиистеъмол қилиш фонидagi алкогольдан ўткир заҳарланишларни эрта босқичларида қарорлар қабул қилишга ёрдам берувчи даволаш-ташхислаш компьютер дастури таклиф этилган.

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йилдаги клиник тавсияномалари асосида беморлар учта оғирлик даражаларига тақсимланган. Базавий тақсимлаш мезонлари бўлиб бемор ҳушининг Глазго шкаласи бўйича даражаси ва қондаги алкоголь миқдори хизмат қилган.

Тақсимланиш натижаларини 2-жадвалда кўриш мумкин.

2-жадвалда кўриниб турибдики, беморлар базавий тақсимланишида I гуруҳдаги беморларнинг кўпчилик қисми – 74,5% енгил заҳарланишли гуруҳга тушган, 21% - ўрта оғир даражадаги заҳарланганлар кичик гуруҳига ва фақатгина 4,5% - оғир даража заҳарланганлар кичик гуруҳига тушган. Шу билан бир вақтда II гуруҳ беморлари кўпроқ қисмида оғир (40%) ва ўрта оғир (36%) даражадаги заҳарланиш кузатилган.

Шунингдек, бир қатор лаборатор биокимёвий кўрсаткичларини ўрганганимизда, алкоголь маҳсулотларини бир марта кўп миқдорда истеъмол қилган II гуруҳ беморларида бу кўрсаткичлар беморлар аҳволи оғирлигига мос бўлса, алкогольдан сурункали заҳарланган беморларда бу кўрсаткичларга

қарама-қарши ўлароқ ўтказилган базавий рандомизацияга умуман мос келмаслиги кузатилган.

2-жадвал

Алкоголдан ўткир заҳарланган беморлар аҳволи оғирлигини ҳуши даражаси ва қондаги алкоголь асосида тақсимланиши (n=363)

Гуруҳлар	I гуруҳ (n=313)			II гуруҳ (n=50)		
	1.1 кичик гуруҳ (оғир даража) n=14	1.2 кичик гуруҳ (ўрта оғир даража) n=66	1.3 кичик гуруҳ (енгил даража) n=233	2.1 кичик гуруҳ (оғир даража) n=20	2.2 кичик гуруҳ (ўрта оғир даража) n=18	2.3 кичик гуруҳ (енгил даража) n=12
Глазго шкаласи бўйича ҳушнинг даражаси	7,7±0,7	11,2±0,6	14,3±0,4	7,4±0,5	11,5±0,5	12,6±0,6
Этанолнинг қондаги миқдори, г/л	3,1±0,8	2,1±0,6	1,4±0,2	3,7±0,5	2,45±0,5	1,55±0,1

3-жадвалда кўриниб турибдики, I гуруҳ алкогольни сурункали истеъмол қилиш фонида алкогольдан заҳарланган беморларда жигарнинг алкогольдан зарарланиши ва тўқима гипоксиясининг биокимёвий белгилари аниқланган. Бунда биз бутунлай парадоксал лаборатор манзарани кўрдик: алкогольдан оғир заҳарланиш кичик гуруҳида жигар фаолияти кўрсаткичлари АЛТ, АСТ, эркин аммиак, шунингдек тўқима гипоксияси маркери бўлган қондаги лактат миқдори ўрта оғир даражада заҳарланганларга нисбатан 1,8, 1,7, 1,9, 1,4 марта паст, енгил заҳарланганларга нисбатан эса 2,5, 2,4, 3,6 2,2 марта кам бўлган. Шу билан бир вақтда алкогольни бир марта истеъмол қилиб заҳарланганларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари оз миқдорда ўзгарган ва бу ўзгаришлар заҳарланиш даражасига мос бўлган (3-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, текширув ўтказилган гуруҳларда клиник-лаборатор кўрсаткичларни ўрганиш Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йилдаги клиник тавсияномалари асосида ўтказилган базавий рандомизация мезонлари РШТЁИМнинг токсикология бўлимига келиб тушган сурункали алкоголь интоксикацияси фонида алкогольдан ўткир заҳарланган беморлар учун умуман мос эмаслигини кўрсатди. Бу ҳол ўрта оғир ва енгил даража заҳарланган беморлар орасида тутқаноқ синдроми – 16,6 ва 8,9%, шунингдек алкоголь делирийси – 13,6 ва 11,1% ҳолларда кузатилди.

**Алкоголдан захарланган беморларда биокимёвий кўрсаткичлар (n=363)
(M±m)**

Кўрсаткич-лар (норма)	I гуруҳ (n=313)			II гуруҳ (n=50)		
	1.1 кичик гуруҳ (оғир даража) n=14	1.2 кичик гуруҳ (ўрта оғир даража) n=66	1.3 кичик гуруҳ (енгил даража) n=233	2.1 кичик гуруҳ (оғир даража) n=20	2.2 кичик гуруҳ (ўрта оғир даража) n=18	2.3 кичик гуруҳ (енгил даража) n=12
АЛТ, u/l, (0-42)	97,5±11,3	184,2±23,4	246,2±41,2	54,5±11,5	38,8±7,5	35,9±4,2
АСТ, u/l, (0-37)	80,4±11,2	137,5±16,5	195,7±32,1	49,6±7,1	44,5±5,0	30,7±4,4
Эркин аммиак, мкмоль/л, (18-33)	51,7±6,2	99,4±11,5	186,2±9,5	36,5±5,0	28,5±3,6	27,4±5,7
Веноз қондаги лактат, ммоль/л, (0,9-1,6)	2,3±0,3	3,3±0,2	5,2±0,5	2,5±0,8	1,6±0,4	1,45±0,3

Шундай қилиб, касалхонага тушаётган сурункали равишда алкогольни суиистеъмол қилувчи беморлар аҳволи оғирлигини ҳозирги кунга келиб реал равишда акс эттирувчи ва амалиёт врачлари учун маъқул бўлган алкогольдан захарланишнинг янги клинко-лаборатор ва инструментал мезонларини яратишга эҳтиёж туғилди.

Алкоголни суиистеъмол қилиш фонида алкогольдан захарланган беморлар клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичларини ўрганганимизда, бу беморларнинг барчасида эркин аммиак миқдорини ошганлигига эътибор бердик. Шунингдек, унинг миқдорини ошиши беморлар клиник ҳолатини сезиларли оғирлашишини кўрсатди. Бу кузатувлар, яъни сурункали алкогольдан захарланиш патогенези ҳақидаги адабиёт маълумотлари бизга қондаги эркин аммиак миқдори беморларнинг аҳволи оғирлик даражаси бўйича рандомизация мезонлари сифатида қўллаш имконини берди. Бунинг учун биз муаллифлар жамоаси томонидан «Российский консенсус гипераммониемии у взрослых» номли дастурий мақоласида келтирилган кўрсаткичлар ҳисоб-китобларидан фойдаландик. Эркин аммиак алкогольдан захарланган беморлар учун оғир ҳолатларнинг белгиси бўлганлиги учун аҳволнинг оғирлик даражасига қараб базавий тақсимлашда қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, қондаги лактат ва эркин аммиак миқдори бўйича беморларни стратификация қилиб биз 4-жадвалда кўрсатилган натижаларни олдик.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, қондаги аммоний концентрацияси алкоғолни узоқ муддат суиистеъмол қилиш натижасида жигар детоксикация функциясининг издан чиқишига олиб келган ҳамда оғир интоксикация ривожланишида етакчи ўрин эгаллайди.

Олинган маълумотларга кўра, оғир беморларда қондаги аммиак концентрацияси меъёрдан 5,6 марта ошган, заҳарланишнинг ўртача даражасидаги беморларда 3,0 баробар, ҳатто енгил даражадаги заҳарланган беморларда 1,5 баробар ошган. Бу жигарнинг детоксикацияловчи функциясини кескин пасайганлигининг белгиси ҳисобланади.

4-жадвал

Лактат ва эркин аммиак миқдориға қараб беморларнинг тақсимланиши (n=313) (M±m)

Кўрсаткичлар (норма)	I гуруҳ n=76 (эркин аммиакнинг юқори даражаси)	II гуруҳ n=166 (эркин аммиакнинг ўрта даражаси)	III гуруҳ n=71 (эркин аммиакнинг паст даражаси)
Эркин аммиак (18-33 мкмоль/л)	178,7±11,4*	92,3±7,5*	53,2±4,7*

Изоҳ: * – $p < 0,05$ кўрсаткичлари юқори бўлган беморлар гуруҳиға нисбатан.

Беморларнинг аҳволи оғирлиги қондаги этанол концентрациясига деярли боғлиқ эмаслиги бизға маълум бўлди (5-жадвал). Аксинча, алкоғолдан оғир заҳарланган беморларда алкоғол миқдори II ва III гуруҳ беморларига нисбатан 1,5 ва 1,35 марта кам бўлган (5-жадвал).

5-жадвал

Алкоғолдан заҳарланган беморларда қондаги этанол миқдори (қабул қилинган вақтида), n=313 (M±m)

Кўрсаткич (меъёр)	I гуруҳ n=76	II гуруҳ n=167	III гуруҳ n=71
Қондаги этанол миқдори (0-0,5 г/л)	1,4±0,3	2,1±0,2*	1,9±0,3*

Изоҳ: * – $p < 0,01$ оғир беморлар гуруҳиға нисбатан.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар спиртли ичимликларни сурункали равишда суиистеъмол қилган беморларда заҳарланиш оғирлик кўрсаткичи сифатида қондаги этанол даражасини диагностик қиймати камлигини тасдиқлади.

Жигар шикастланишининг биокимёвий кўрсаткичларини ўрганаётганда ҳар бир гуруҳда сезиларли ўзгаришлар қайд этилди.

Алкоголдан оғир даража заҳарланган гуруҳда бу ўзгаришлар энг аниқ намоён бўлди.

Бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатдики, оғир даража заҳарланган барча беморларда токсик гепатит кузатилиб, жигар ферментлари ҳисобланган АЛТ, АСТ, ЛДГ ва билирубинни сезиларли даражада, келтирилган тартиб бўйича 5,4, 5,4, 1,8 ва 1,7 баравар мос ҳолда меъёрдан ошиб кетиши билан кузатилди. Ўрта даражада алкогольдан заҳарланган беморларда биз АЛТ, АСТ ва ЛДГ ферментларини мос равишда 3,5, 3,0 ва 1,4 марта кўпайишини кузатдик. Билирубин миқдори меъёрнинг юқори даражаларида сақланиб қолди. Алкоголни қисқа муддатли суиистеъмол этган III гуруҳдаги беморларда биз АЛТ ва АСТни атиги бироз ошишини кузатдик.

Қондаги лактат миқдори алкоголь истеъмол қиладиган барча беморларда алкогольни суиистеъмол қилиш муддатига мутаносиб равишда тўқималарда гипоксия мавжудлигини кўрсатди. Бу I гуруҳдаги беморларда лактат миқдорини меъёридан 3,2, II ва III гуруҳларда эса 2,0 ва 1,4 марта мос ҳолда ошиши билан намоён бўлди.

Шундай қилиб, олинган маълумотларга кўра, энгил заҳарланиш ҳолатида биокимёвий кўрсаткичлар одатдаги меъёрда бўлди ёки бироз ошишга тенденция кузатилди. Ўртача ва оғир даражада заҳарланган беморларда барча кўрсаткичлар референс кўрсаткичларининг юқори чегарасидан бир баравар юқори бўлган.

Беморларнинг уччала гуруҳида вегетатив асаб тизими кўрсаткичларини ўрганиш автоном асаб тизимининг симпатик қисми тонусини заҳарланишнинг оғирлигига мутаносиб равишда кўтарилиши натижасида келиб чиққан гиперсимпатикотониянинг ривожланишини аниқлади (6-жадвал).

6-жадвал

Алкоголдан ўткир заҳарланган беморларда организмнинг вегетатив ҳолати кўрсаткичлари, (n=313) M±m

Кўрсаткичлар (меъёр)	I гуруҳ n=76	II гуруҳ n=167	III гуруҳ n=71
СКБ (120-130)	165,5±21,9	132,5±12,1*	125,5±11,8*
ДҚБ (70-80)	102,1±9,1	91,2±7,9*	84±6,3*
ЮУС (65-90)	128,2±11,2	104,5±9,9*	96±6,8*
Кердо индекси (0-0,1)	0,25±0,07	0,18±0,03*	0,12±0,0*4
Мо, сек (0,7-0,8)	0,57±0,03	0,584±0,02*	0,63±0,03*
АМо, % (25-30)	41,75±2,87	42,65±3,20*	36,31±2,3*
ЗИ (зўриқиш индекси), бирлик (30-60)	64,2±7,7	95,5 ±11,2*	167,8±14,5*

Изоҳ: * – p<0,05 оғир беморлар гуруҳига нисбатан.

Бу мода амплитудаси (АМо), зўриқиш индекси (ЗИ) қийматларини ошиши билан намоён бўлади.

Бунда алкогольдан оғир заҳарланган беморларда ДҚБ, СКБ, ЮУС, Кердо индекси каби гемодинамик кўрсаткичлар мос равишда меъёридан 1,3,

1,2, 1,6, 2,5 марта юқори, кандоинтервалография кўрсаткичлари ҳимобланган Мо ва АМо 1,2 ва 1,3 марта паст бўлиб, бу организмнинг компенсатор механизмларини кучли ифодаланган зўриқишдан далолат беради.

Беморлар касалхонага келганида когнитив функцияларни ўрганиш уларни беморлар аҳволига мос равишда тушкунлик ҳолатида эканлигини кўрсатди (7-жадвалга қаранг). MMSE шкаласи бўйича когнитив даражаси скрининги маълумотларига кўра, III ва II гуруҳ беморларида касалхонага келган вақтида енгил ва ўртача даражадаги – $25,8 \pm 2,1$ ва $23,31 \pm 1,8$ баллга тенг когнитив бузилишлар қайд этилган. Динамикада когнитив дефицит тезда, деярли тўлиқ даволанган. I гуруҳ беморларига келсак, уларнинг MMSE шкаласи барча позициялари бўйича кўрсаткичлари II ва III гуруҳга нисбатан 1,4 ва 1,5 марта паст бўлган.

Оғир даражали заҳарланиш бўлган беморларда интеллектни FAV шкаласи бўйича таҳлил қилиш концептуализация ва праксиснинг бузилишини аниқлади. I гуруҳдаги беморларнинг умумий тест натижалари ўртача $9,6 \pm 2,8$ баллдан ошмади. Бу II гуруҳга нисбатан 1,1 ва III гуруҳга нисбатан 1,2 баробар паст ҳисобланади (7-жадвал). Жигар энцефалопатияси маркери – Рейтан тестига келсак, ушбу кўрсаткич бўйича тестни меъёрдаги диапазонда ўтказган III гуруҳдаги беморларда энг яхши натижа – $98,6 \pm 6$ сония, деярли меъёрдаги кўрсаткич аниқланган. II гуруҳ беморлари буни бирмунча узоқроқ, III гуруҳга нисбатан 1,2 марта ёмонроқ бажаришган. Алкоголдан заҳарланишнинг оғир даражасида беморлар аҳволининг ноадекват эканлиги сабабли улар бу тестни бажаролмади.

7-жадвал

Турли даражадаги алкогольдан ўткир заҳарланган беморларни касалхонага келган вақтидаги когнитив функциялари кўрсаткичлари, (n=313) $M \pm m$

Кўрсаткичлар (норма)	I гуруҳ n=76	II гуруҳ n=167	III гуруҳ n=71
MMSE шкаласи (баллар) (28-30 балл)	$19,3 \pm 2,2$	$23,31 \pm 1,8$	$25,8 \pm 2,1^*$
FAV шкаласи (баллар) (16-18 балл)	$9,6 \pm 2,8$	$11,4 \pm 2,1$	$14,1 \pm 1,8^*$
Рейтана тести (100 сониягача)	Аниқлаб бўлмади	$122,7 \pm 11$	$98,6 \pm 6^*$

Изоҳ: * – $p < 0,05$ оғир беморлар гуруҳига нисбатан.

Кейинчалик оғир даражадаги алкогольдан заҳарланган 63 (80,7%) нафар беморда алкоголь делирийси ривожланиши қайд этилган, шу билан бирга ўртача даражадаги алкогольдан заҳарланган беморларда бу асорат фақатгина 11 (6,5%) ҳолатда кузатилган. Енгил даражадаги заҳарланишларда делирий кузатилмаган.

Шундай қилиб, алкогольдан сурункали заҳарланиш фонидаги алкогольдан ўткир заҳарланишларда эркин аммиак, лактат ва клиник симптоматика, лаборатор кўрсаткичлар, когнитив функцияларнинг суст ҳолатга келиши орасида ўзаро боғлиқликни кузатдик. Бу эса ушбу метаболитларнинг алкогольдан заҳарланишнинг оғирлик даражасидаги роли муҳимлигини исботлайди.

313 нафар турли хил оғирликдаги алкогольдан ўткир заҳарланган беморларнинг касаллик тарихларини ўрганиш асосида клиник, лаборатор, инструментал текширув усулларини ўз ичига олган маълумотлар банки яратилди. Бунда беморларни заҳарланиш даражасига қараб тақсимлаш қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилди: А) клиник: алкогольни сурункали кўп миқдорда истеъмол қилиш (сутка), Глазго шкаласи бўйича ҳушининг ҳолати, интеллектнинг издан чиқиши даражасини MMSE шкаласи ва FAV шкалалари бўйича балларда ҳамда Рейтан тести (секунд), қайт қилиш, нафас олиш сони, тери қаватлари ранги, АҚБ, ЮУС, Кердо вегетатив индекси, МВБ (мм.сув.уст.), сийдик ранги, суткалик диурез. Б) Лаборатор: қондаги алкоголь, сийдикдаги алкоголь, қон ивиш вақти (минут), қондаги лактат (ммоль/л), қондаги эркин аммиак (ммоль/л), қондаги глюкоза (ммоль/л), мочевина (ммоль/л), креатинин (ммоль/л), АЛТ (u/l), АСТ (u/l), умумий оксил (г/л), ўрта молекулали пептидлар (шартли бирлик). В) инструментал: ВАТ параметрлари, яъни Мо (секунд), АМо (%), ΔХ (секунд), ЗИ (шартли бирлик), кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси, жигар ва буйрақлар ультратовуш текшируви.

Яратилган маълумотлар базаси ва янтар кислотаси препаратларини қўллаш самарали эканлиги ҳақидаги олинган маълумотлар «Алкогол билан заҳарланган беморларнинг оғирлиги бўйича диагностика ва даволаш алгоритми» компьютер дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди (2017-йилдан DGU 03042-сонли патент).

Дастур маълум бир беморнинг бир қатор клиник ва лаборатор параметрлари тўлдирилганида заҳарланишнинг оғирлиги бўйича дастлабки ташхисни аниқлаш, диагностика ва даволаш тадбирларининг дастлабки режасини автоматик равишда таклиф қилиш имконини беради. Шунингдек, ушбу тоифа беморлар бўйича архивланган маълумотлар банкини яратади.

Дастурда жами 32 та клиник, лаборатор ва инструментал текширув усуллари натижалари параметрлари киритилган бўлиб, улардан 15 тасини киритишнинг ўзи дастлабки ҳисоб-китобларни эрта соатларда амалга ошириш имконини беради.

Дастур РШТЎИМнинг Фарғона ва Бухоро филиалларининг токсикология бўлимлари амалиётига муваффақиятли тадбиқ қилинди. Вилоят ва туман токсикологлари ва реаниматологлари учун алкоголь билан заҳарланган беморларни диагностикаси ва даволаш жараёнини стандартлаштириш ва мукаммаллаштиришга имкон берди.

Олинган натижалар алкоғолли делирий сонини 48% дан 20% гача, тутқанокларни 52% дан 31,6% гача, ўлим кўрсаткичини эса 2,5 марта камайтириш имконини берди.

